

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2022-yil 23-iyun, payshanba

№ 23 (9187)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

САРА УРУФ ЖАМҒАРИЛМОҚДА

Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг пишиқчиликнинг устидан чиқасиз. Мевасидан шохи ларзон боғларнинг файзи ўзгача. Полиэлардаги тилими тилни ёрадиган қовун, тарвуз, ҳандалакларнинг маъзасини таърифлашга сўз ожиз. Кундан-кунга барқ уриб, шохларига гул, шона, кўсақлар тақаётган пахазорлар тароватидан кўнгил яйрайди. Шаббодада бошоқлари чайқалиб, мўл-кўл ҳосил, баракали хирмондан далолат бериб турган ғаллазорлар файзи эса қалбларда шукроналик ҳисларини жўштириб юборади.



Муносабат

МАҲАЛЛАНИНГ МАҚОМИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТАКЛИФИ ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев кун кеча Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича келиб тушган таклифлар юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашган эди.

Унда “Конституцияга киритилаётган барча ўзгариш ва қўшимчалар жамиятимизда инсоннинг ўрни ва қадри қандай? Энг муҳими, конституциявий ислохотлар оддий аҳолига, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жамият ва давлат тараққиёти учун нима беради?”, деган саволларга аниқ жавоб бера оладиган, пухта ишланган ҳуқуқий нормаларни Конституция-мизда акс эттириш – давр тақозоси эканлиги билдирилди.

Халқимиздан комиссияга келиб тушган барча муҳим ва долзарб таклифларнинг айримлари давлатимиз раҳбари томонидан муҳокама қилиниб, шулар асосида 4 та йўналиш бўйича ўз таклифини киритди.

Жумладан, учинчи йўналиш – эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масалада ҳам айнан фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеи ва таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида маҳал-ланинг мақоми ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этди.

Биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунашимиз. Юртимизда яшайдиган ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувонч-ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайди. Халқимиз учун жамият, аввало, маҳалладан бошланади. Маҳалла – асрлар давомида миллий урф-одатларимиз ва бой маънавиятимизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжihatлик маскани бўлиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатлари алоҳида белгиланиши зарур эканлигини таъкидлаб ўтди.

Мухтасар қилиб айтганда, Конституция-вий ислохотлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг изчиллик билан давом этишида, инсон қадрини юксалтиришда ва халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилади.

Сагиндиқ ТУРМАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Маҳалла ва нуронийларни
қўллаб-қувватлаш вазир.
ЎЗА

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

РИШТОН МАҲАЛЛАЛАРИ БЎЙЛАБ...

Бир гуруҳ ижодкорларга Риштоннинг баъзи маҳаллалари ёшлари ҳаёти билан танишиш тавсия этилди. Бунинг сабаби қисқа даврда туманда ёшларнинг фаоллиги ошган, тадбиркорлик соҳасида анча ўсишга эришилган. Бундан ташқари, мактаб ёшлари ўртасида спорт мусобақалари ташкил этиши, мактабдан ташқари ишларга бўш юрган ўқувчи-ёшларни қамраб олишда бир мунча маваффақиятлар қўлга киритилаётгани кузатишмоқда.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ва вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган режа-графика асосан Риштон туманига навбатдаги пресс-тур уюштирилди. Бу тадбирда туманда фаолият юритаётган журнал-листлар, республика газеталарининг вилоятдаги мухбирлари, ижтимоий тармоқ фаоллари ва ёшлар етакчилари ишти-рок этиб, маҳалла ёшларининг кувнок, жўшқин ҳаёти ўрганилди.

Дастлаб “Бўстон” маҳалла фуқаро-лар йиғинига ташриф буюрдик. Катта Фарғона магистрал канали кўпригидан паства тушаётганимиздаёқ ажиб ман-зарани кўриб, ҳайратланмай иложимиз қолмади. Фарғона – Қўқон магистрал йўлининг икки тарафига икки қаватли би-нолар қурилган, баъзан бир қаватлилари ҳам, уч қаватлилари ҳам учраб турибди. Энг қизиғи бу ерда одам ноодатий тарзда кўп, бинолар олдида Риштон мўъжиза-лари – бадий кулолчилик буюмларининг кўплаб турларини топиш мумкин эди.



Бу ердигилардан ҳам гўзал, сержило, янада ноёблари Риштон устазодалари-нинг устахоналаридаги кўргазмаларга қўйилган. Уларни бу ерга қўйгандан кўра ўша ерда тургани маъқулроқ. Санъатни тушунган ва қадрлайдиганлар ўзлари излаб топадилар.

Айтмоқчимизки, ана шу йўл ёқасидаги дўконларда аҳолига бундай кулолчи-лик маҳсулотларини етказиб беришда ҳам бўстонлик ёшларнинг ҳиссаси катта

бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бўстон-лик ёшлар энди илгаригидек бўш вақтлар-нинг қадрига етмайдиганлардан эмас, аксинча ҳар соат ганимат улар учун, ўз уйларида тадбиркорликни ривожланти-риш билан бирга, томорқа ерларидан ҳам мўл-кўл сабзавот-полис маҳсулотла-ри, мева ва узум етиштиришда фидойи, кўшни қишлоқларга ибрат бўларли да-ражада иш қилишаётир.

(Давоми 2-саҳифада)



ХИРМОНГА БАРАКА

Бекобод туманида ғалла ўрими авжида. Тумanning Дўстлик маҳалласи ҳудудидаги Умиджон Ғофуров раҳбарлигидаги фермер хўжалиги аъзолари 37 гектар майдонда буғдойнинг серҳосил Қраснодар навини экиб, мўл ҳосил етиштирди. Режа ортиғи билан адо этилди.

Суратда: Фермер хўжалиги раҳбари Умиджон Ғофуров ҳосил чўғидан мамнун. Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ҚОИДАЛАР ҚАНДАЙ АКС ЭТГАН?

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида шу мавзуга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Миллий марказининг матбуот хизматида кўра, кенг қамровли консти-туциявий ислохотлар муҳокамаси доирасида офлайн ва онлайн тарзда ўтказилган ушбу тадбир ЮНИСЕФнинг Ўзбекис-тондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда таш-кил этилди.

Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг бирин-чи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўз-бекистон Республикаси Миллий маркази дирек-тори Акмал Саидов ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекис-тондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедза-де давра суҳбати ишти-рокчиларини қутлар экан, мавзунинг долзарб ва ўта муҳим жиҳатларига тўх-талди.

Тадбир иштрокчила-ри Президент Шавкат Мирзиёевнинг Асосий қонунда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган ғояни мустаҳкамлашга қаратилган таклифини юқори баҳоладилар. Бу таклиф давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амал-га ошириш юзасидан Конституциявий комис-сия аъзолари билан жо-рий йил 20 июнда бўлиб ўтган учрашувда билди-рилганди.

Ижтимоий давлат – ижтимоий тафовутларни камайитириш, муҳтожлар-га ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат мо-делидир. Шу маънода, Ўзбекистон Президенти томонидан давлатнинг фуқароларни яшаш учун зарур уй-жой билан таъ-минлаш, оиланинг иқти-содий ва маънавий асос-ларини мустаҳкамлаш, боланинг манфаатлари, жисмоний, ақлий ва ма-даний жиҳатдан тўлақон-ли ривожланиши учун барча шароитларни яра-тиш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қув-ватлаш, инсон соғлиғи ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга тааллуқли нор-малар Конституцияда ўз аксини топиши таклиф этилгани жуда муҳим. Давлатимиз раҳбари-нинг Конституциямизда давлат иқтидорли ёшлар-ни, уларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, доимо қўллаб-қувват-лашини мустақил қоида сифатида белгилаб қўй-иш зарурлиги ҳақидаги таклифлари ҳам кенг қўллаб-қувватланди. Бу ташаббуслар оила, бо-лалар, ёшлар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахс-лар, мамлакат ичкариси ёки ташқарисида яшаёт-ган барча фуқароларимиз ҳуқуқлари ва манфаатла-рини конституциявий ка-фолатлашга қаратилгани билан диққатга сазовор-дир.

Давра суҳбати ишти-рокчиларининг фикри-ча, Президент Шавкат Мирзиёев Асосий қону-нимизга “Ота-оналар ўз фарзандлари воёга ет-гунгига қадар уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлиғи, тўлақонли ва баркамол ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қи-лиш ҳуқуқига эга ва бунга мажбурдир”, деган қоида киритишни таклиф этга-ни ҳам улкан аҳамиятга эга. Бу ёш авлод тақдир учун масъулият янада оширишга хизмат қилади.

(Давоми 2-саҳифада)



СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ НАЗОРАТДА

Минтақамизда кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йилда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича Навоий вилоятида 10 минг 700 гектар пахта майдонларида томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш белгиланган.



Иссиқхонанинг сарҳил неъматлари
Энг муҳими, улар табиий усулда етиштирилмоқда

Иброҳим испи қандай тез келган бўлса
шундай тез чиқиб кетди

ПОМИДОР "ДАРАХТИ"

ДОНАСИДАН 1,5 ТОННАГАЧА ҲОСИЛ

Нон дарахти, қовун дарахти ва бошқалар ҳақида эшитганмиз-ку, аммо помидор "дарахт" гапнинг очиги кўпчилигимиз учун янгилик саналади. Булунғурнинг Гулзор маҳалласига қарашли Янги Эركانакли қишлоғида яшовчи, асли қасби иқтисодчи бўлган Шерали Холдорев кўп йиллардан бери помидорнинг янги навларини етиштириш билан шуғулланиб келмоқда. Айни кунларда у кишининг хонадонидagi мўъжазгина иссиқхонада Голландиядан келтирилган "Спрут F1" навли помидор "дарахт" парваришланмоқда.



– Иссиқхонада маҳсулот етиштиришни бошлаганимга 6 йил бўлди. Бу антиқа помидор "дарахт"ни маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш ҳам осон кечмади. Дастлаб хориждаги ҳамкорларим билан интернет орқали алоқа боғлаб, уни парваришlash юзасидан агротехникасини чуқур ўрганиб, қатъий равишда амал қила бошладим. Худди гўдакни парваришлагандек, авайлаб, асраб ниҳоят нијатимга етдим. Поясининг узунлиги 15 метргача етиб, 8-9 йиллик бўлганида йилига 1,5 тоннагача ҳосил беради. Эътиборли жиҳати шундаки, помидорнинг ушбу навида тиним даври мавжуд эмас, йил бўйи ҳосил бераверади. Иссиқхонада пишиб етилган бодринглар ҳам ноёб. Баъзилар ёнғоқнинг "шиғир-шиғир"ига қизиқади, баъзилар эса каптарнинг қанот қоқишига, айримлар бедананинг сайрашини хуш кўради. Мен эса

помидор ва бодрингнинг "жинни"-симан. Ижтимоий тармоқлар орқали дунёнинг қайсидир бурчагида янги нав ҳақида хабар топсам, албатта, буюртма беришга ошиқаман, – дейди Ш.Холдорев. Булунғурлик инноваторнинг иссиқхонасида Америка, Голландия, Россия ва бошқа давлатлардан буюртма асосида келтирилган 30 турдаги помидор кўчатлари ҳам парваришланмоқда. Улар орасида сариқ, кўринишидан лимонга ўхшаш, кивининг таъмини берадиган помидор ҳам бор. Шунингдек, қора ва бинафша рангли помидорлар ҳам етиштирилмоқда. Иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотлар фақат маҳаллий ўғит билан озиқланади. Уларни турли зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилишда ҳам кимёвий воситалардан фойдаланилмайди. Тунда келадиган ҳашаротларга қўлбола "қопқон" ясалган. Совун кўлиги аралаштирилган сув билан тўла лаган яқинига кечаси

электр лампаси ёқиб қўйилади. Ҳашаротлар ўзини ёруғликка уриб, сувага тушиб, нобуд бўлар экан. Дастлаб икки сотихли қўлбола иссиқхонада деҳқончилик қила бошлаган Шерали ака замонавий иссиқхона қуришга маблағи етмагач, ёрдам сураб, туман ва вилоят ҳокимликларига мурожаат қилди. Мутасаддилар томонидан унинг иши ўрганилди ва субсидия асосида икки сотихли иссиқхона қуриб берилди. Иккинчи иссиқхонада банан, папайя ва ананас каби цитрус мевалар ҳам синов тариқасида етиштирилмоқда. Аслида папайянинг бўйи 4-5 метр бўлади. Бу ерда парваришланаётган папайянинг нави бошқача, яъни иссиқхонага мос пакана бўйли. – Ушбу хонадондаги 3 сотихга яқин ер майдонидagi иссиқхонада етиштирилаётган помидор "дарахт" ва бошқа навли помидор уруғларини кўпайтириб, тумандаги

қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида ҳам етиштиришни йўлга қўйиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу навадagi икки сотихли қўлбола иссиқхонада деҳқончилик қила бошлаган Шерали ака замонавий иссиқхона қуришга маблағи етмагач, ёрдам сураб, туман ва вилоят ҳокимликларига мурожаат қилди. Мутасаддилар томонидан унинг иши ўрганилди ва субсидия асосида икки сотихли иссиқхона қуриб берилди. Иккинчи иссиқхонада банан, папайя ва ананас каби цитрус мевалар ҳам синов тариқасида етиштирилмоқда. Аслида папайянинг бўйи 4-5 метр бўлади. Бу ерда парваришланаётган папайянинг нави бошқача, яъни иссиқхонага мос пакана бўйли. – Ушбу хонадондаги 3 сотихга яқин ер майдонидagi иссиқхонада етиштирилаётган помидор "дарахт" ва бошқа навли помидор уруғларини кўпайтириб, тумандаги

Абдували ХУДОЁРОВ,
"Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бosh инспектори.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну



Бешинчи синфдалигимдаёқ газетага мақола ёза бошлаганман. 7-8 синфларга чиқиб шеърлар, кичик-кичик ҳикоя, масаллар ёзардим. Мактабни тамомлаган даврларимда эса газетачиликка қўлим анча келишиб қолган эди. Кунларнинг бирида туман газетасида "Чайқовчи" номли ҳажвий шеърим босилиб чиқди. У пайтлар газеталар кўп минг нусхада босилар, унга ҳамма обуна бўлишарди.

Орадан уч кун ўтиб маҳалламизда биздан беш-олти уй нарида яшовчи ёши элликларга бориб қолган Иброҳим испи (испуқлант изох русча, ўзбекча олибсатор) деган киши кириб келди. Отам билан тоқларни очаётган эдик. У киши бўлса кела солиб бақира кетди: – Шоир қани, шоир? Бир кўриб кўяйлик, биззи азаматни! Отам ҳам, мен ҳам тўғриси ҳайрон бўлиб анграйиб қолдик. Биз ҳали гап нимадалигини тушунмай туриб, у яна вайсай кетди: – Ота, болага шундай тарбия берайсизми? Келиб-келиб ўзининг қўшнисини газетга ёздикими? Мен гап нимадалигини тушундим. Отам ҳам мени газетага у-бу ёзиб юрганимдан хабардор эди. Чунки тахририятдан ҳар ой 20-30 сўм гонорор олардимда. – Ҳов Иброҳим кел, кел. Нима гап, бундай ётиги билан тушунтирсангчи, бизни ўғил бирон айб иш қилиб қўйибдими, – деди отам бир менга, бир ҳадеб бақираётган Иброҳим испига қараб.

– Мана бу ўғлингиз мени мана газетга ёзибди, – дея қўлидаги газетани отамнинг бурни тагигача келтирди. Отам газетани кўлига олиб, кўзига шошмасдан ойнагини тақди-да, жўртагами шеърни овоз чиқариб ўқиди. Ўқиб бўлгач, "боглабансанку хумпар", деб елкамга уриб қўйди. – Иброҳим, биринчидан шеърда сенинг исминг ёзилмаган. Буни ижод дейдилар. Иккинчидан, ўз қилмишинга иқро бўлиб келганинг шейрнинг кучини кўрсатиб турибди. Тўғрида, балодай кучинг бор, далада ишла, атторлик сенга ярашмайди, – деди отам ҳаёл билан. – Ҳей сатқайи ота кетинг-эй, келиб-келиб дардимни сизга айтдимми? – Иброҳим, тилингни эрк берма. Агар яна жанжал қилиб келадиган бўлсанг, болага айтаман, кейинги гал шеърга исмингни ҳам қўйиб чиқаради... Иброҳим испи қандай тез келган бўлса шундай тез чиқиб кетди. Отам газетани яна ўқишга тушди... **Болтабой МУҲАММАД ҚУРБОН**

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад нима, у бизга нима беради?

Аҳолини рўйхатга олиш расмий статистика тизимида асосий рол ўйнайдиган муҳим кўрсаткич бўлиб, бунда аҳоли сони бўйича аниқ ва ишончли маълумот шакллантирилади. Аҳолини рўйхатга олиш тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, мазкур тадбир дастлаб Ўзбекистон ҳудудида 1926, 1939, 1959, 1970, 1979-йилларда ва сўнги марта 1989 йилда амалга оширилган. Мустақилликдан сўнг эса республикамизда бу тадбир биринчи марта 2023 йилда бўлиб ўтади ва ҳар 10 йилда амалга оширилиши белгиланди. Шунини алоҳида айтиш жоизки, аҳолини рўйхатга олиш натижасида аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар-



нинг яшаш шароитларини яхшилаш, мамлакатнинг демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш имкони юзасига келади. Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узок, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ҳамда дас-

Х.ҚАМАРИДИНОВА,
Олмасор тумани статистика бўлими бошлиғи.

Эълон

"Тошкент Минтақа" МЧЖ

бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

O'zbekiston Respublikasi "Issiqlik Elektr Stansiyalari" aksiyadorlik jamiyati Toshkent "Issiqlik Elektr stansiyasi" aksiyadorlik jamiyati"ning va 2022 йил 21 июндаги № 04-30/2338 сонли буюртма-номасига асосан, Тошкент вилояти Қиррай тумани Салар Toshkent "Issiqlik Elektr stansiyasi" АЖ да сақланаётган 1."Газ 3302" русумли Давлат рақами 10/413КАА бўлган 1995 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бошлангич баҳоси – 49 179 000 сўм 2."2ПТТС-4793" русумли Давлат рақами 10 ВА 170 бўлган 1997 йилда ишлаб чиқарилган тиркама бошлангич баҳоси – 12 0223 000сўм очик аукцион савдосига қўйилмоқда.

қабул қилишнинг охириги муддати: 2022 йил 21 июль куну соат 16:00. Автотранспорт воситаси 2022 йил 22 июль куну сотилмаган тақдирда автотранспорт воситаларининг такрорий савдоси 29 июль ва 5 август 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 1 кун аввал. Савдо голибига 10 банк куну ичиди сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказди: АТБ "Капиталбанк" Яшнобод филиали, х/р:20208000205363013001 МФО: 01136, СТИР:308305364. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси 32-уй. Телефон: 71 233-28-52, 97 155-08-21, 90 971-20-00

Гувоҳнома № 965941

СИНОВ ВА САВДО

Бугунги кунда бутун дунёда нарх-навонинг кўтарилиши ҳолати қузатилмоқда. Бундай синовли кунларда халқнинг кунлик эҳтиёжи тушадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи сунъий кўтарилмоқда. Албатта, ҳаётда хоҳлайлик, хоҳламайлик, қутилмаган қийинчилик ва синовлар учраб туради.

Одатда юрт ризқ-рўзининг зиёда бўлиши кўпроқ савдо аҳлига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳазрати Расулulloҳ (с.а.в.) савдо аҳли одоб-ахлоқига жиддий эътибор қилдилар. Жумладан, Имом Ҳаким Термизий раҳматуллоҳи алайҳ "Наводирул усул фи маърифати аҳодисур Расул" асарига: Муоз ибн Жабал розияллоху анхундан бундай ривоят қилади: "Расулulloҳ (с.а.в.): "Энг яхши қасб савдогарликдир. Агар савдогар ёлгон гапирмаса, омонатга хиёнат қилмаса, ваъдага хилоф этмаса, сотиб олаётган нарсаларини мақтамаса (ҳаддан ортиқ), қимматга сотмаса, зиммасидаги ҳақни беришни чўзмаса ва ўз ҳақларини олишда ҳам кўпол бўлмаса", дедилар". Демак, савдогарлар ҳалол, омонатдор, яхши инсон бўлишлари учун ушбу ҳадисда айтилган нарсаларга амал қилишлари, жумладан, маҳсулотни ҳаддан ортиқ қиммат сотмасликлари билан айнан Расули Акрам (с.а.в.) таълимларига амал қилган бўлади. Ҳазрати Расулulloҳ (с.а.в.): "Жалб қилувчи ризқлантирилган, эҳтиёткорчи (маълум шартларга кўра, маҳсулотни қиммат бўлганда сотиш учун ушлаб турган киши) эса лаънатланган", деганлар. "Жалб қилувчи" бошқа юртдан ўз юртига керакли нарсаларни олиб келувчидир. Ким бу ишни қилса, ризқи улуғ бўлади. Аммо ўз юрти



бозоридан энг керакли нарсаларни сотиб олиб, ушлаб туриб, сунъий равишда нархни кўтарувчи, натижада одамларга зарар етказувчи лаънатлангандир. Жобир розияллоху анхундан ривоят қилинади: "Набий (с.а.в.): "Сотганда, сотиб олганда ва ҳаққини талаб қилганда марҳаматли бўлган одамни Аллоҳ раҳм қилсин", дедилар" (Имом Бухорий ва Имом Термизий ривоятлари). Сотиб, сотиб олиш ва ҳаққини талаб қилишда бағрикенг, саховатли бўлиш мақсадга мувофиқдир. Бундай кишига Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳ таолонинг раҳматини сўраганлар. Амрал муъминин Умар разияллоху анху даврларида Мадина аҳлига табиий офат етди. Одамларда маълум вақтда қийинчилик содир бўлди. Шу кунларда тиркилигдаёқ жаннат башорати берилган саҳоба Абдуллоҳ ибн Авф разияллоху анхунинг катта қарвони озиқ-овқат-

лар билан Мадинага кириб келди. Савдогарлар у зотга икки, уч ва унданда кўп баробар фойда беришни таклиф қилдилар. Лекин у зот фурсатни ганимат билиб, одамларга раҳм-шафқат қилиб, бирига етти юз баробар ажр берадиган Аллоҳ таоло йўлида хайру саховат қилишга эришдилар. Зеро, Расулulloҳ (с.а.в.) Мадинаи Мунавваранинг сероб бўлишини хоҳлаб, унинг тарозисига баракот сураб дуо қилганлари ҳадиси шарифларда келтирилган. Шундан келиб чиқиб биз ҳам юртимизнинг тарозиси баракали, Ер ости ва усти ризқимиз кенг, нарх-наволаримиз мўътадил бўлишини сўраб дуо қилишимиз энг улуғ суннатни ижро этишимиз бўлажак. Аллоҳ таоло дуоларимизни Ўз қарам! Ва файзи билан қабул айласин! Омийн Ё Раббил Оламийн.

Абдулҳай ТУРСУНОВ

КАНАЛЛАРГА ТАШЛАНГАН ЧИҚИНДИЛАР ҲАМ СЕЛ ХАВФИНИ ОШИРАДИ

Табиий офат деганда кўз олдимизга сув тошқини, зилзила каби ноҳуш, даҳшатли оқибатларга олиб келадиган ҳодисалар келади.

Халқимиз тилида "Ўт балосидан, сув балосидан асрасин", деган ўтинчли иборанинг дам-бадам такрорланиши ҳам беҳиз эмас. Айниқса, сел дея аталмиш табиий офат айриқ ҳудудларни вайрон этиб, ҳам мамлакат иқтисодиётига, ҳам халқ ҳўжалигига катта миқдорда зарар етказди. Энг ёмонни, бу ҳодиса инсон ҳаёти учун ҳам катта хавф тўғдиради.

Юқоридаги каби кўнгилсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳри Сергели тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи сув оқимлари бўйлаб тошқин сувларини барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориш ҳамда каналлар, коллекторлар ва ариқларни тозалаш, қирғоқларини мустаҳкамлаш, қайнама (дюкерлар) кўприклар туби ва ўзанларини маийши чикиндилардан тозалаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Ҳудуддаги 15 дан ортиқ каналларда ўзанларини тозалаш ишлари амалга оширилди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар Сергели тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими Сиздан шахримиздаги каналлар ва сувоқаваларига ҳар хил турдаги маийши чикиндиларни ташламаслигини сўраб қолади. Шунда шахримиздаги каналлар ва сувоқаваларини тозалаш, эпидемия тарқалишининг олдини олишга ўз хиссангизни қўшган бўласиз.

А.М. МИРЗААҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси Сергели тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими ФВДТ ва ФМ ОТ, ХТ бўлимаси бошлиғи, майор.

Қадрли ОАВ вакиллари, қалби дарё ижодкорлар!



ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Сизларни тобора яқинлашиб келаётган касб байрамларингиз билан қизгин муқорабод этади. Барчангизга сихат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, фойз-у барака тилайди. Масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда доимо омадлар ёр бўлсин!




MAHAM-CHIRCHIQ
акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси, халқимиз фаровонлиги учун қалам тебратаётган оммавий ахборот воситаларининг барча ходимларига касб байрамлари муносабати билан самимий табрикларини йўллайди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси ҳузурдаги Агротехнологиялар мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

барча ОАВ вакиллари, журналистларни, ноширларни, қалби қайноқ ижодкорларни

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

билан табриклайди ва барча эзгу тилакларини изҳор этади. Қадрли қалам аҳли! Қалбларингиздан шоду хуррамлик, хонадонларингиздан фойзу барака аримасин, ҳаётингиз қувончли лаҳзаларга бой, қаламингиз бундан-да ўткир, ижодингиз янада баракали бўлсин!




Азиз оммавий ахборот воситалари ходимлари! Жамоамиз ақли сизларни касбий байрам муносабати билан муқорабод этади. Сизларнинг фаолиятингиз нечоғлик серқирра ва айни пайтда сермашаққат, лўнда қилиб айтганда фидойилик эканлигини мамлакатимиз ақли чин дилдан ҳис этади. Ана шундай фаолиятда сизларга омад мудом ёр бўлсин, деймиз.



Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфидаги
ТОШКЕНТ КЎПРИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

